

“СAМСЕ Engineering Co., Ltd.” компанияси “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамиятига тиббий ниқоблар тақдим этди

// 24 iyun 2020 йил

<https://pda.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/camce-engineering>



"SAMCE Engineering Co., Ltd." компанияси мамлакатимизда амалда бўлган пандемия шароитида коронавирус инфекциясининг тарқалишининг олдини олишга кўмаклашиш мақсадида "Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамиятига тиббий ниқоблар тақдим этди.

"SAMCE Engineering Co., Ltd." компанияси пандемия даврида "Ўзкимёсаноат" АЖ тизимида фаолият юритаётган ходимларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш борасида кўрсатган амалий кўмаги компаниянинг ишончли ҳамкор эканлигини намойиш этди.

Ўзаро ҳамкорлик ва биргаликда курашиш орқали коронавирус инфекциясидан халос бўлишимизга ишонамиз.

"Ўзкимёсаноат" АЖ Матбуот хизмати